


и. Домашев
Ташкент 2024 . 3.



АДАБИЁТШУҲОСАНИЙИГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛАРИ



ХЯЛДАР О НОНФЕРЕНСИЯ МАТЕРИАЛАРИ

Маърифат РАЖАБОВА,

Бухоро давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди
(Ўзбекистон)

НАВОЙ ИЖОДИДА МИФОЛОГИК ОБРАЗЛАР

Аннотация: Мақолада фольклор ва ёзма адабиёт ўртасидага алоқадорлик Алишер Навоий ижоди мисолида таҳлил қилинади. Улуғ шоир лирик меросида қўлланилган мифологик образларнинг бадиий талқинлари орқали ёритилган мавзулар таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: анъана, мифологик образ, пари, малак, дев, девбод, ғул, жин.

Алишер Навоий асарларининг манбалари ҳақида гап борганди, шуни эътибордан қочирмаслик лозимки, у ўзигача бўлган араб, форс ва туркий адабий-маънавий мерос билан пухта танишиб чиққан. Уларнинг энг яхши анъаналаридан сабоқ олиб, таъсирланиб, адабий тажрибасида ривожлантирган. Иккинчи томондан, халқ оғзаки ижоди намуналаридағи ўлмас ғоялари, эпик сюжет ва образлар улуғ ижодкор асарлари учун беминнат хизмат қилган. Диний, илоҳий – ирфоний манбалар улуғ шоирнинг эътиқодий қарашларини ойдинлаштирган бўлса, фольклор материаллари лирик қаҳрамоннинг руҳий олами, ишқ ва ошиқлик масалаларини ёритиш учун аҳамиятлдир. Бу улуғ шоир асарларининг халқчиллигини таъминлаб, халқ қалбига ҳамоҳанг бўлишига ҳисса кўшган.

Бу ҳақда адабиётшунос олим Н.Маллаев шундай ёзади: “Алишер Навоий халқ ижодиётидан бевосита ва бавосита фойдаланади. У халқ ижодчиларини эшлиши билан бирга, фольклор материаллари ёки анъаналари ўрин олган ёзма манбалардан кенг баҳраманд бўлди”. Навоий халқ орзу-умидлари, истаклари, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги қарашларини акс эттирувчи фольклор сюжетлари, образ ва мотивларидан моҳирона фойдаланиб ўзи яшаб турган даврнинг қиёфасини чизишга эришди.

Маълумки, ёзма адабиёт фольклор анъаналари орқали қадимги мифология билан чамбарчас боғланган бўлиб, мифнинг халқ оғзаки ижоди асарларидаги эпик сюжет, мотив ва поэтик деталлар кўринишидаги талқинлари бадиий идрок этилган воқееликни тасвирлашда самарали қўлланилиб келинган. Бадиий адабиётда қайд килинган мифологик образ ва мотивлар фольклордан ижодий баҳраманд бўлишнинг ўзига хос қирраларидан бири ҳисобланади¹⁰⁴. Улуғ шоирнинг назмий ва насрый асарлари

¹⁰⁴ Жўраев М. Мифларнинг ёзма адабиётга муносабати. – Ўзбек тили ва ада-

АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

қатларидаги халқимизнинг мифологик тасаввурлари асосида юзага келган поэтик тимсоллар ва образларнинг бутун бир тизими мавжудки, уларни ўрганиш улуғ шоир ижодининг манбалари хусусида тўлақонли тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашади.

Фикримизни шоир лирикасида халқ оғзаки ижодининг эпик жанрларига ҳос мотив, образлар асосида шаклланган стилизацион фольклоризмлардан фойдаланишдаги ўзига хосликларни кўрсатиш орқали асоссламоқчимиз. А. Навоий лирикасида дев, ғул, пари, шайтон, аждар сингари мифологик образлар стилизацияси кузатилади. Навоий лирик меросида дев ва ғул образи кўп кўлланган. Дев – мифга кўра, жуда зўр, кучли ва баҳайбат, кўрқинчли шаклда тасаввур этиладиган мавхум бир маҳлук.¹⁰⁵ Шоир лирикасида ошиқнинг ишқ йўлидаги руҳий ҳолатини беришда дев тимсолига кўп бора мурожаат қилинган. Жумладан:

Ул парий ишқида мен девона эрман, девмен,
Ишқ водийсинда ҳар оҳим эрур бир девбод.¹⁰⁶

Лирик қаҳрамон – ошиқ. У ошиқликда девона. Тасаввуфий нуқтаи назардан, девона – илоҳий жазба теккан инсон. Шоир таъкидни кучайтириш мақсадида ошиқни девга қиёслаяпти. Ошиқнинг ҳар бир оҳи ишқ водийсида бир девбодни ҳосил қиласди. Байтдаги девбод – қуюн, қуюндай тез, уюрма маъноларидағи сўз. Мифологик қарашларга кўра, девлар жуда ҳайбатли шаклда тасвиранланган. Шу боис уларнинг нафас чиқариши ҳам ғайри одатий тарзда тасаввур қилинган. Юқоридаги байтда ҳам девнинг нафас чиқаришидан қуюн (девбод) ҳосил бўлиши, ишқ водийсидаги ошиқнинг ҳолатини тасвирилаш учун хизмат қилган.

Ошиқнинг девона дев бўлишига сабаб – парининг гўзаллиги. Халқ тасаввурicha, пари – руҳ, у гоҳ кўринади, гоҳ кўринмайди. Маъшуқа парига ўхшатилар экан, унинг ана шу хусусияти асос қилиб олинган.

Халқда жинларнинг инсон қонига кириб олиши билан боғлиқ мифологик ишончлар мавжуд. Парилар ҳам жинларнинг бир жинси сифатида инсон (мумтоз адабиётда ошиқ)нинг вужудига киришини тасвирилаш орқали унинг ниҳоятда нозиклигига ишора қилинади.

биёти. – 1980. – №6. – 41-45 б.

¹⁰⁵ Навоий асарлари луғати. – Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 187-бет.

¹⁰⁶ Навоий Алишер. Муқаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. IV жилд. Наводир уш-шабоб. – Т.: Фан, 1989. 88-бет.

ХАЛҚАРДО ҚОНФЕРЕНСИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

Телбалар қатли қызил құлмииш либосин, оқким,
Бир йүли деңоналар қонига кирмиш ул пари.¹⁰⁷

Маъноси: Телба ошиқларини қатл қылганидан, қонлар сачраб, либосини қызил рангга бүябди, балки ул пари бир йўла деңона ошиқлар қонига кириб олибди.

Маълумки, халқда “жин (пари) урган” инсонни парихон – афсунгар, дуохон, азойимхонга ўқитиш орқали уни касаллиқдан фориф қилинган. Шоир халқдаги ана шу удумга ишора қилиб, лирик қаҳрамон ҳолатини бадий ифодалашга эришган.

Келтурунг дағъы жунунимға парихон, йўқ табиб,

Ким ул ансабдур пари ҳар кимни пайдо айласа¹⁰⁸ [З. 41].

Маъноси: Деңоналигимни даволаш учун дуохон ё табиб келтиринг, чунки кимники бир гўзал пари пайкар шайдо айлаган бўлса, унга шу муносибдир.

Навоий лирик меросида дев образи билан боғлиқ байтларни кузатадиган бўлсақ, уларда дев ва пари образлариниг ёнма-ён келганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг асосини диний манбалардаги маълумотлар ойдинлаштиради. Диний қарашларга кўра, барча жонли мавжудодлар жуфт-жуфт қилиб яратилган, яъни инсон ҳам эркак ва аёлга ажратилган. Шу боис жинлар ҳам жуфт қилиб яратилган. Жиннинг эркаги дев, аёли пари деб тасаввур қилинган. Шунинг учун бўлса керак, дев ва пари образлари орқали қўпинча ошиқ ва маъшуқа тимсоли берилади. Жумладан:

Кўлумда банди жунун тасмаси, не фикр эткай

Паривашеки, миниб дев, қўлға олса жилов.¹⁰⁹

Одамлар девларни қўлга олиш, жиловлаганча ўз измига солиш, бўйсундириш, миниш мумкин, деб қараганлар. Хусусан, бу имконият Оллоҳ томонидан Сулаймон пайғамбарга берилгани ҳақида бир қатор афсоналар мавжуд. Юқоридаги сатрларда шу каби қарашларга ишора бор. Бунда банди жунун тасмаси – ишқ рамзи. У ошиқнинг қўлида. Лирик қаҳрамон ошиқлик жиловини пари – маъшуқаси олишини истайди.

Навоий ғазалларида пари билан бирга малак образи ҳам қўлланган. Малак – фаришта, унинг қанотлари бор бўлиб, учеб юради. Малак фақат ижобий маънода тасвиранади. Пари эса жуда

¹⁰⁷ Навоий Алишер. Муқаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. IV жилд. Наводир уш-шабоб. – Т.: Фан, 1989. 441-бет.

¹⁰⁸ Навоий Алишер. Муқаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. III жилд. Ғаройиб ус-сигар. – Т.: Фан, 1988. 41-бет.

¹⁰⁹ Навоий Алишер. Муқаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. VI жилд. Ғавойид ул-кибар. – Т.: Фан, 1990. 378-бет.

АДАСИЕТШУНОСЛИХНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

гўзал қиз сувратидаги мифик образ бўлиб, гоҳижобий, гоҳсалбий талқин қилинади. Алишер Навоий лирикасида пари “париваш”, “парируй”, “пари пайкар”, “паризода” каби сифатлар билан берилган. Малак ва парининг бир-бирдан фарқли жиҳатлари “Қисаси Рабғузий” асарида илоҳий манбаларга таянган ҳолда баён қилинган: “...Азза ва жалла фаришталарни ўтнунг ёруқидан яратди, париларни ўтнинг ёлинидин яратти. Асллари бирук турур, аммо уч нарса билан тафовутлари бор. Бири ул турурким, фаришталар нурдин, парилар ёлиндин турур. Иккинчиси, фаришталар малак атанади, парилар жин атанади. Учунчи, фаришталар ўрни адиз кўкда бўлади, парилар ерда бўлади”.¹¹⁰

Ул парий пайкар малакваш мен жунундин девсор,

Тутмаса йўқ айб бу расвои олам бирла унс.¹¹¹

Ушбу байтда парий ва малак сўзи қўлланган. Маъшуқанинг гўзаллигини бўрттириб тасвирлаш учун малак ва пари сўзи ёнмаён келтирилган. Пари – малаксифат. Унинг ишқи эса ошиқни девсор (дев шакли, девга ўхшаш) қилган. Шунинг учун у (париваш) расвои олам бўлган ошиқ (девсор) билан яқинлик (унс) тутмаса, айб эмас.

Мумтоз асарларда дев нафс, жаҳолат, вайронагарчилик рамзи сифатида ҳам келади. Куйидаги байтда шунга ишора мавжуд:

Демаки, илмда келмиш малакдин ул афзун

Ки, девдин доғи афзун эрур жаҳолат анга.¹¹²

Куръони каримда инсон яратиқлар ичida энг мукаррами сифатида эътироф қилинади. Диққат қилинса, юқоридаги байтда инсонга хос икки сифат, яъни малаклик ва девсифатлилик хусусиятига урғу берилган. Байтда илм деганда, Куръони карим на зарда тутилган. Биричи мисрада инсоннинг малак (фаришта) таъдан, иккинчи мисрада жаҳолатда девдан ортиқлиги (афзун) таъкидланган.

Хулоса қилиб айтганда, халқ оғзаки ижодида дев ёмонлик ва ёзувлик рамзи сифатида келган бўлса, Алишер Навоий лирикасида бу образга хос сифатларга ишора қилиш орқали инсон (кўпинча ошиқ) қалбида кечадиган нозик кечинмалар, қалб тутғёнлари ишонарли тарзда тасвирланади.

¹¹⁰ Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1990.13-бет.

¹¹¹ Навоий Алишер. Муқаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. VI жилд. Фавойид ул-кибар. – Т.: Фан, 1990. 167-бет.

¹¹² Навоий Алишер. Муқаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. VI жилд. Фавойид ул-кибар. – Т.: Фан, 1990. 8-бет.

Мақсуд Асадов. Номалардаги яна бир ўзига хослик хусусида.....	97
Könül Haciyeva. Əmir Eeymur və oğlu Şahrux XV əsr azərbaycan şairinin şeirlərində.....	103
Гулсанам Холиқулова. Бобур издошлари ва ғазал жанри тараққиёти	107
Мавлонберди Суюнов. Алишер Навоййнинг Ҳофиз Шерозий ижодига муносабати	111
Зебо Қобилова. Ташибеху тимсоллар уйғунлиги.....	118
Маърифат Ражабова. Навоий ижодида мифологик образлар	123
Юнус Азимов. Навоий (Фоний) шеър ва шоирлик хусусида.....	127
Эргаш Очилов. Муқимий шоҳбайтлари	133
Буробия Раджабова. «Бобурнома»да темурийлар ренессанси ва давлат арబблари тасвири	142
Дилшод Файипов. Огаҳий шеъриятида муқайяд қофия	157
Тохир Хўжаев. Навоий “Наводир уш-шабоб”идаги айрим байтларнинг ҳаётий моҳияти.....	163
Равшан Усанов, Мунира Болтаева. Концепция ненасилия персидско-таджикских мыслителей	166
Зилола Амонова. Навоий ижодида «алиф» ҳайратлари	170
Бадиа Мұхитдинова. Сайдиҳамад Васлий Самарқандийнинг сиёсий ва ижтимоий масалаларга муносабати	174
Хуснигул Жўраева. Ҳусайн Бойқаро замондошлари талқинида.....	180
Мутабар Шарипова. Рифмованная проза «мусаджать» и стилистические особенности «муноджотнаме» Хаджа Абдуллаха Ансори.....	185
Nazmiya Muxitdinova. Nodira she'riyatida tasavvufiy ma'nolar	190
Ўқтамали Сатторов. Рудакийнинг пандноманавислик маҳорати	194
Шабнам Юсуфзода. “Муҳокамат ул-луғатайн”да “Девони Фоний” шарҳи.....	200
Элмира Ҳазратқулова. «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий»да ҳажвиёт	205
Мунира Худоёрова. Навоий қитъаларида талмех санъати ...	213
Dilorom Muminova. Noma janrining shakllanish jarayoni	218